

# Куч — адолатда

2015 йил  
2 май,  
шанба  
№ 17 (530)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси



http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ушбу азим шаҳарларда эрта тонгдан юздан зиёд турли фаввора бир пайтнинг ўзида ишга туширилади. Улар қуёш нурларида камалакдек товланади.

Катта фавворалар ёнида музика садолари янграб, шаҳар аҳли ва меҳмонларни ўзига чорлади. Кун бўйи бу шаҳарларда ўзгача байрамона кайфият ҳукм сурди. Маданий-маърифий, кўнгличар концерт дастурлари кечгача давом этди.

"Фавворалар сайли" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги "Тошкент шаҳрида "Фавворалар сайли" ёшлар оммавий-маданий тадбирларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ биринчи марта ўтган йили ўтказилган эди. Пойтахтимизда кўтаринки руҳда ўтган мазкур сайлнинг кўламини янада кенгайтиришга туртки бўлди. Бу йил шундай тадбир Самарқандда ҳам ўтказилди.



## ЎЗБЕКИСТОН ФАВВОРАЛАРИНИНГ МАФТУНКОР ЖИЛВАСИ

Тошкент ва Самарқандда 1 май куни "Фавворалар сайли" ёшлар оммавий-маданий тадбирлари ўтказилди.

Ушбу оммавий сайил эстетик, тарихий ва маданий хусусиятга эга чур маънони ўзида мужассам этган. Шаршара, сокин кўл, денгизнинг мавжланиши ёки жилдираб оқаётган жилга кишини мафтун этиши ҳеч кимга сир эмас. Шаҳар шароитида эса фавворалар сув жилларидан баҳраманд бўлиш, эстетик завқ олиш имконини бермоқда.

Тиббиёт нуқтаи назаридан фавворалар олдида сайр қилиш саломатлик учун фойдалидир. Мусаффо сув кишига хузув-халоват бағишлаб, кайфиятини кўтаради, чарчокни олади.

Фаввора суви жилосини кузатадиган инсонларда қон айланиши ва мия фаолияти яхшиланади, асаб тизими тинчланади.

Сувнинг, хусусан, фаввораларнинг ушбу хусусиятларини ажодларимиз ҳам азалдан яхши билган. XIV-XV асрлардаёқ Шарқда фавворалар меъморий мажмуаларнинг ажралмас қисми ҳисобланган. Археологик қазилу ишлари пайтида бундай иншоотлар Шахрисабздаги Оксарой ва бошқа тарихий жойларда топилган. Соҳибқирон Амир Темурининг Самарқанддаги Дилқушо боғида бўлган

испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо подшоҳ супада ўтирарди, унинг олдида эса суви тепага отилиб турувчи фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди, деб ёзган. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидаги мини-атюраларда ҳам қадимий фавворалар тасвири кўриш мумкин. Буларнинг барчаси ажодларимизнинг юксак бунёдкорлик маҳорати ва яратувчанлик салоҳиятидан далолат беради.

Шу билан бирга, фавворалар нафақат кўп асрлик тарихимизнинг бир

бўлаги, балки тинч ва осойишта ҳаётимиз, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг ёрқин ифодасидир. Улар атрофида барча қулайликлар яратилгани боис бу ерга ота-оналар болалари билан, ёшлар ва фахрийлар дам олиш учун келади. Бундай хушманзара жойларда ўқувчилар, талабалар учун сайёр дарслар ўтказилади, учрашувлар белгиланади, келин-куёвлар ва кўплаб сайёҳлар суратга тушади.

(Давоми учинчи бетда)

### Хабар

## Малака ошириш машғулотлари

билим ва кўникмаларни янада бойитишга хизмат қилмоқда



Мамлакатимизда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органлари ходимларининг касбий билим, малака ва кўникмасини мунтазам равишда ошириб бориш қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Шу маънода Республика Бош прокуратураси Олий ўқув курслари томонидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Чунинчи, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари томонидан ташкил этилган "Судларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар" мавзусидаги малака ошириш машғулотлари суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни ўз ичига қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Этган мазкур машғулотларда иштирокчилар дастлаб фуқаролик ишлари бўйича Заңиота туманлараро судида ташкил этилган "E-sud" электрон судлов миллий ахборот тизими янгиликлари билан танишишди. Шундан сўнг Олий судда ўтказилган "Фуқаролик ва жиноят ишларини кўришда қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти" мавзусидаги давра суҳбатиде тингловчиларга судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш истиқболлари ҳамда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти соҳа мутахассислари томонидан суд амалиётидаги мисоллар ёрдамида ёритиб берилди.

Малака ошириш машғулотларида тингловчилар хизмат вазибаларини амалга ошириш чоғида гоёта кўл келадиган муҳим маълумотларга эга бўлдилар ва ушбу машғулотлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Д. РАХИМБЕКОВА

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасидаги эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларини янги ижодий марралар сари илҳомлантирмоқда.

## Ижодий изланишга ундаётган танлов

«Олтин қалам» X Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

"Туркистон" саройида 1 май куни "Олтин қалам" X Миллий мукофотининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, тури вазирилик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий ўқув юрталарининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида демократик жараёнларни жадал ривожлантириш, ахборот соҳасининг самарали фаолият ҳаётидаги фаоллигини янада кучайтиришнинг муҳим воситаси сифатида миллий журналистикани изчил ислоҳ этиш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлашга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси оммавий ахборот воситалари



фаолиятига оид миллий қонунчиликни давр талабига мос равишда такомиллаштириш, медиа тузилмаларни жадал ривожлантириш, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинган фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини янада изчил таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш, улар фаолияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор этиш-

да янги имкониятлар очиб берди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустиқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини миллий ассоциацияси томонидан аънавий тарзда ўтказилаётган кўрик-танловлар, ижодий лойиҳалар журналистларнинг касб маҳоратини юксалтириш, таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таҳлилий ёндашув асосида тайёрланаётган ранг-баранг материаллар кўламини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

### Qonun ijodkorligi

## Судлар фаолиятида электрон тизим жорий қилинишининг ҳуқуқий асослари

Мустиқиллигимизнинг ўтган даврида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бунда, энг аввало, одил судлов самардорлигини янада ошириш ва судлар мустиқиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг суд тизimini такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида барча қулайликлар яратилгани боис бу ерга ота-оналар болалари билан, ёшлар ва фахрийлар дам олиш учун келади. Бундай хушманзара жойларда ўқувчилар, талабалар учун сайёр дарслар ўтказилади, учрашувлар белгиланади, келин-куёвлар ва кўплаб сайёҳлар суратга тушади.

судлар фуқаролар, фуқаро ва юридик шахслар ўртасида юзага келаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда, бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу мақсад йўлида самарали фаолият юритмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

### Istiqlol imkoniyatlari

## «Хабес корпус» институтини қўллаш

миллий қонунчилик ва суд амалиёти

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг энг асосий йўналишларидан бири — қонунчилик, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш йўлида суд-ҳуқуқ тизimini изчил демократлаштириш, либераллаштиришдан иборат. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар, авваламбор, шахснинг конституциявий ҳуқуқи ва эркинликлари, жумладан, асосий жинсий таъқиб, шахсий дахлсизлик ҳамда одил суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлашга қаратилгани бунга яққол тасдиқлайди.

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимизнинг 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасига алоҳида тўхналиб ўтиш жоиз. Чунки ушбу маърузада халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари асосида суд-ҳуқуқ тизimini янада ислоҳ қилиш ва либераллаштириш орқали судларнинг мустиқиллиги ва эркинлиги, инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳамда бошқа конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хо-

димларининг масъулиятини кучайтириш бўйича ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилди.

Айниқса, "Хабес корпус" институтининг жорий этилгани, яъни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгани ушбу йўналишда муҳим қадам бўлди. Ушбу институт эндиликда юртимизда шахснинг конституциявий ҳуқуқи ва эркинликларини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

### Saboq

## Қонуний фаолият — муваффақият калити

ёхуд солиқларни ўз вақтида тўлашни унутманг

Мамлакатимизда аҳоли реал даромадлари ўсишига кўмаклашадиган, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга асос бўлиб хизмат қиладиган кенг кўламли солиқ ислохотлари амалга оширилмоқда. Бу жараёнда солиқ ставкаларини босқичма-босқич пасайтириш устувор йўналиш этиб белгилангани иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Тўрт йил аввал ота-онам қонуний тарзда ажрашган эди. Аммо онам мени отам ва амакиларим билан кўришимга рухсат бермади. Айтинг-чи, мен яқин қариндошларим билан кўришимим мумкинми?

Р.БОБОЖОНОВА,

Наманган вилояти, Чуст тумани

— Ҳа, мумкин. Хусусан, Оила кодексининг 66-моддасига асосан, бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши бола ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она алоҳида яшаган

ҳолда ёки турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, фавқулодда вазиятларга тушиб қолган бола (ушлаб туриш, қамоққа олиш, ҳибсга олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Uzreport" ахборот агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилади.

Танловнинг асосий мақсади журналистиканинг энг илғор уюшмалари кенг омма-лаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Танловнинг Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлангани ҳам унинг нуфузини оширишда катта аҳамиятга эга. Танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Uzreport" ахборот агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилади.

"Олтин қалам" X Миллий мукофоти учун халқаро танловда 676 журналист 15 мингга яқин материал билан қатнашди. Улар сафида бош Миллий мукофот соҳиби, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича голиблар, шунингдек, "Энг яхши матбуот хизмати" ва "Энг яхши фот

Ижодий изланишга ундаётган танлов

торепортаж учун" рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиблари аниқланди. Танлов голибларини мукофотлаш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилди.

"Uzreport TV" телеканали "Олтин қалам" X Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош мукофотга лойиҳа деб топилди. Телеканал жамоаси махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди.

— Давлатимиз раъбари томонидан кўрсатилган юксак эътибор ва гамхўрлик, мамлакатимиздаги тинч-

осойишта, ижтимоий барқарор муҳит барча соҳалар қаторида миллий журналистикани ҳам жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, - дейди "Uzreport TV" телеканали бош директори Равшан Жўраев. — Юртимизда кенаятган ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан халқимизни баҳраманд этиш, ватандошларимизда юрт тақдири, унинг келажаги учун дахлдорлик туйғусини кучайтириш, ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб қамолга етказиш, уларни турли мафкуравий таҳдидлардан ишончли химоялаш зиммамиздаги масъулиятли вазифадир.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича голибларига диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ҳамда пул мукофотлари топширилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси

кенгаши, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Истиқболли авлод" ижтимоий ахборот марказининг ҳам мукофотлари топширилди. Танловда БМТ, ЮНЕСКО, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, "Минтақавий мулоқот" (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз мукофотлари билан иштирок этди. Бир гуруҳ журналистлар ушбу ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Нозолат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Айтинг-чи, нотариус томонидан ишончнома қанча муддатга берилади?

Ш.ОРЗИЕВ,

Қашқадарё вилояти, Косон тумани

— Маълумки, Фуқаролик кодексининг 139-моддасида ишончноманинг муддати кўрсатилган бўлиб, унга кўра, ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган

ишончнома ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Нотариус томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан беқор қилинганга қадар ўз кучини сақлайди.

Яқинда қайнотам турмуш ўртоғимга уй-жойини ҳада қилиб берди. Айтинг-чи, ушбу уй-жойга нисбатан мен ҳам меросхўр ҳисобланаманми?

Н.РАШИДОВА,

Хоразм вилояти, Урганч шаҳри

— Амалдаги Фуқаролик кодексининг 510-моддасига асосан, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, ҳада шартномасига мувофиқ ҳада ваъда қилинган ҳада олувчининг ҳуқуқлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтмайди.

Агар ҳада шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳада шартномасига мувофиқ ҳада беришни ваъда қилган шахснинг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтади.

Айтинг-чи, умумий бўлган мол-мулк қандай тақсимланади?

З.БЕРДИЕВ,

Сирдарё вилояти, Сардоба тумани

— Амалдаги Фуқаролик кодексининг 226-моддасига биноан, умумий мол-мулкни биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасида тақсимлаш, шунингдек, улардан бирининг улушини ажратиш дастлаб иштирокчилардан ҳар бирининг умумий мулк ҳуқуқидagi улуши аниқланганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Умумий мулк тақсимланганда ва ундан улуш ажратилганда, агар қонунда ёки иштирокчиларнинг келишувидида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг улушлари тенг ҳисобланади.

Беш йил муқаддам турмуш ўртоғим билан ажрашдим. Шу пайтгача икки нафар фарзандимга алимент тўлаб келдим. Айтинг-чи, бундай ҳолатда мен тўлаётган алимент миқдори камайтирилиши мумкинми?

Ж.ЭГАМНАЗАРОВ,

Фарғона вилояти, Бешариқ тумани

— Маълумки, Оила кодексининг 105-моддасида алимент миқдорини камайитириш ёки алимент тўлашдан озод қилиш тартиби кўрсатилган. Унга кўра, алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қолади деген бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, али-

мент миқдори суд томонидан камайитирилиши мумкин. Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларнинг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини камайитириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент миқдорини камайитириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлган ҳолатлар тугаганда манфаатдор тараф алимент қонунда белгиланган миқдорда ундирилишини талаб қилиб, судга мурожаат этишга ҳақли.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гўлнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» X миллий мукофоти халқаро танлови голиблари ва совриндорлари

Журналистика соҳасида

Бош миллий мукофот

"Uzreport TV" телеканали — бош директори Равшан Жўраев Илм-фан, техника тараққиёти, дунёнинг ривожланган давлатлари билан иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб бораётгани, буюк аждодларимиз мероси ҳамда иқтидорли ёшларнинг изланишларига бағишланган кўрсатувлари учун

Асосий мукофотлар

Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин: Илвира Мамажонова — "Ёшлар" телерадиоканали Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси дастурлари бош муҳарририяти бош муҳаррири Тўмарис, "Ўзбек адабиёти" каби илмий-оммабоп кўрсатувлари учун

2-ўрин: Анжим Бекбергенова — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси "Қорақалпоғистон" телеканали Мусиқий дам олиш ва кино дастурлар бош муҳарририяти катта муҳаррири "Музыка сирлари", "Улли тулгалар" ва "Сазлар сийқири" каби кўрсатувлари учун

3-ўрин: Муқаддас Машарипова — "Тошкент" телерадиоканали "Пойтахт" информацион дастурлари бош муҳарририяти шарҳловчиси Ижтимоий муаммоларга бағишланган таҳлилий ва "Ҳолис назар" туркумидаги кўрсатувлари учун

Энг яхши журналистик материал учун (радио):

1-ўрин: Насиба Фахриддинова — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси радио ахборот маркази лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси "Кун тафсилоти", "Итоги дня" дастурлари учун

2-ўрин: Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси жамоаси "Олтин мерос", "Радио саёҳат", "Файзли оқшом", "Оила — жамият таянчи" сингари радио эшиттиришлари учун

3-ўрин: Юлдуз Мамажонова — Фарғона вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири "Обод ҳонадон", "Умр зийнати", "Фарғона оқшомлари", "Эъзоз" каби дастурлари ҳамда "Бугуннинг гапи" туркум эшиттиришлари учун

Энг яхши журналистик материал учун (босма ОАВ):

1-ўрин: "Правда Востока" газетаси таҳририяти — бош муҳаррири Аббосхон Усмонов Мамлакатимиз

мизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, давлат дастурлари ижросини тизимли, кенг ва сифатли ёритишдаги туркум материаллари учун

2-ўрин: "Оила даврасида" газетаси таҳририяти — бош муҳаррири Хусниддин Бердиев "Давр нафаси", "Долзарб мавзу", "Мустақам оила", "Соғлом ҳаёт" ва "Аниқ саволга аниқ жавоб" каби материаллари учун

3-ўрин: Рислик Мажнунова — "Наманган ҳақиқати" газетасининг катта муҳаррири "Аёллар салтанати" муаллифлик саҳифаси, таълим, маънавият, оила, хотин-қизлар масалаларига бағишланган таҳлилий материаллари учун

Энг яхши журналистик материал учун (интернет-журналистика):

1-ўрин: Руслан Кенжаев — "Народное слово" газетаси масъул котиби ўринбосари "Халқ сўзи" газетасининг www.xs.uz сайти ҳамда "Народное слово" газетасининг www.narodnoeslovo.uz сайтига тайёрлаган материаллари учун

2-ўрин: Анвар Самадов — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Халқаро ахборот таҳририяти бош муҳаррири "Халқаро эътирофлар замиридаги улкан ҳақиқат", "Ўзбекистон тинчлик ва ҳамкорлик тарафдори", "Неъматларнинг энг яхшиси ҳаловатдир", "Озод мамлакатта ободлик ярашади" каби мақолалари учун

3-ўрин: Бунёдбек Шамсуддинов — Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари, Sharh.uz сайти муаллифи "Демократик ислохотларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшларнинг ўрни ва роли" лойиҳаси учун

"Энг яхши фоторепортаж" йўналиши: Темур Қайсаров — "Маърифат" - "Учитель Узбекистана" газеталари фотомухбири

"Энг яхши матбуот хизмати" йўналиши: "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси матбуот хизмати

Халқаро ва жамоат ташкилотларининг рағбатлантирувчи мукофотлари:

БМТ Ахборот маркази

"Ўзбекистоннинг ривожланиши йўли мавзуси кенг ёритилаётган ва ёшлар форумларида катта қизиқиш уйғотаётган онлайн (интернет-нашр) материаллари учун" Наргис Қосимова — ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси мудири

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Масалан, солиқ юки 1991 йилда ялли ички маҳсулотга нисбатан 41,2 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йиллар давомида амалга оширилган оқилона солиқ сиёсати натижасида ҳозирги кунда бу кўрсаткич қарийб икки баробар камайди. Кўплаб мамлакатларда корхона ва муассасалар фойдасидан олинандиган солиқ ставкаси ўртача 12,5-39,5 фоизни ташкил этаётган бир вақтда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1995-2014 йиллар мобайнида 38 фоиздан 8 фоизга тушгани иқтисодиётимизда сифат ўзгаришларига эришилганининг яққол ифодасидир.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг зиммаларидаги бурч ва мажбуриятларини ўз вақтида бажариши, яъни солиқ ва йиғимларни ўз вақтида тўлаши соҳанинг янада ривожланиши ва тақомиллаштиришга хизмат қилади. Йиғилган маблағларнинг узулқисми айлангани нафақат аҳоли ва жамият манфаатларига, балки иқтисодиётимиз барқарорлигига замин яратди. Шу боис бу борадаги мажбурият-

ларимиз қонунларда мустаҳкамланган. Жумладан, Бош Қомусимизнинг 51-моддасига мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахслар қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

Айтиш жоизки, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат томонидан белгиланган солиқ, йиғим ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслиги, фойда, даромад ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириши, камайитириб кўрсатиши, шунингдек, назорат касса машиналарининг фискал хотираси хизмати дастурини ноқонуний ўзгартариш йўли билан солиқдан қасддан бўйин товлаши бюджет сиёсати барқарорлигига путур етказди. Бундай ҳолатларга йўл қўйган шахслар эса, қонун олдида жавоб беради.

Жиноят кодексининг 184-моддасида бундай қонунбузарликлар учун жавобгарлик кўрсатилган бўлиб, унга кўра, фойда, даромад ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириши, камайитириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки анча миқдордаги бошқа мажбурий тўлов-

лардан қасддан бўйин товлашдан иборат ноқонуний хатти-ҳаракатлар, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин рўй берган тақдирда, уни содир этган шахс энг кам ойлик иш ҳақининг бир ўз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Худди шундай қилмишлар такроран, кўп миқдорда содир этилган бўлса — айбдорга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади. Жуда кўп миқдордаги солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш ҳолати эса, энг кам ойлик иш

ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилишга сабаб бўлади.

Айни пайтда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қасддан яширилган, камайитириб кўрсатилган фойда, даромад бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўла адо этилган тақдирда айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайди. Белгиланган ҳуқуқий нормаларга амал қилмаганлар эса, шубҳасиз, ўз қилмишлари учун жавоб беради.

Мисол учун ҳазораспик Отабой Собиров ўзи раҳбарлик қилаётган тадбиркорлик субъектининг беш йиллик фаолияти давомида тегишли солиқ органига белгиланган тартибда молия-ҳўжалик ҳисоботини тақдим этмаган.

Sabot

Қонуний фаолият —



HiKmat

Донолар дейдиларки

Комил инсон ҳар бир одамнинг комил бўлиши учун қайғурди.

Билмаганингни ҳамма вақт ҳам гапирверма, аммо гапирётганингни ҳамма вақт бил.

Ёшлик — фидойилиқдир.

Тажриба — йўлинггаги нурафшон шамчироқ.

Ўзгаларга бирон нарса дейишдан аввал, ўзингга айтиб кўр.

Тана учун кўркамлик қанчалик зарур бўлса, ақлга ҳам нафислик шу қағар зарур.

Гўзаллик ҳеч қачон ўзи устидан ўзи хулоса чиқаролмайди.

Бахт ҳавода эмасди, меҳнатдан келади.

Тўрт нарса инсонни улуғлайди: илм, одоб, омонатдорлик ва ифпат.

Хонадонларимиз файзи, ҳаётимиз кўрки

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги "Ботаника" ҳамда "Бўстон" санаторияларида саломатлигини тиклаётган фахрийлар учун маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.



Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратиш, тиббий ҳамда санатория-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашидан олинган маълумотларга кўра, мазкур ҳужжат ижроси юзасидан ишлаб чиқилган манзилли дастурга мувофиқ мамлакатимизнинг турли ҳудудларида кекса авлод вакиллари хизмат кўрсатадиган 15 санаторий-соғломлаштириш муассасасида "Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари" бўлими ташкил этилган. Уларнинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб, фахрийларимиз бекаму кўст соғломлаштирилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилган, тегишли шароитлар яратилган.

Мамакатимизда фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг собиқ ходимлариغا кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамни янада кучайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, пенсионерлар ҳамда пенсия ёшидаги ходимлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. "Саховат", "Мурувват" уйларида истиқомат қилаётган ва ёлғиз ҳамда жисмоний имконияти чекланган ёши улуг инсонларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, зарур дори-дармон, ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари билан таъминланиб, уларнинг коммунал тўловларини тўлаши учун моддий ёрдам кўрсатилаётир.

Аҳоли, айниқса, ёши улуг инсонларга кўрсатилаётган тиббий ижтимоий хизматлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида пойтахтимиздаги "Турон" ҳамда Жиззах, Фарғона, Наманган вилоятларидаги "Хавотог", "Чимён", "Косонсой" каби бир қатор санаторий-соғломлаштириш масканларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

уларнинг мароқли хордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида ташкил этилган "Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари" бўлимида барча қулайлик яратилган. Хусусан, бу ердаги ҳар бир хона, санузеллар фахрийларнинг жисмоний имкониятларига мувофиқ барпо этилган. Хоналарга қўшимча ёриткич мосламалари ва навбатчи шифокор билан бевосита боғланиш имконини берувчи алоқа воситалари ўрнатилган. Муолажа, массаж, физиотерапия сингари қўллаб-қувватлаш хоналари ётоқхона биноси ёнида ташкил этилган. Фахрийларнинг ҳар бири учун алоҳида малакали ҳамшира бириктирилган.

— Бепул, яна ўзим истаган вақтда барча шароит мужассам шундай замонавий шихатгоҳда ўз саломатлигини тиклаётганимдан жуда хурсандман, — дейди Чирчиқ шаҳридан келган 86 ёшли Солихўжа бобо Турсунхўжаев. — Муолажаларни бошлаганимга кўп бўлмаган бўлса-да, ўзимни тетик ва соғлом ҳис қилмоқдаман. Биз, кексаларнинг дам олиши, даволаниши учун шундай қулай шароитлар, имтиёз ва имкониятлар яратиб бераётган Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Маданий-маърифий тадбирларда санаторияларда соғлигини тиклаётган Солихўжа бобо Турсунхўжаев сингари бир гуруҳ уруш ва меҳнат fronti фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.


Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида хонадонларимиз файзи, ҳаётимиз кўрки бўлган ёши улуг инсонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, инсоннинг қадр-қиммати, бахт-саодати, саломатлиги учун қилинаётган кенг қўламли ишлардан бир намуна, холос.

Бекзод ХИДОЯТОВ, ЎЗА мухбири

G'aroyib olam

Маълумки, ер юзида узоқ асрлар давомида қад кўтариб турган, турли давр ва воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган маҳобатли иншоот — деворлар ҳам кўп ва учрайди.

Биз билган ва билмаган дунё



ҚАДИМИЙ ДЕВОРЛАР

Тарихий манбаларда ўринда турадиган "Кумбалгар девори"нинг узунлиги эса, 36 километрни ташкил этади. Бу маҳобатли деворни куриш ишлари 1443 йилда бошланган. Юз йилдан зиёд вақт давомида куриб битказилган мазкур иншоот ани пайтда музейга айлантирилган. Девор бўйлаб 360 дан зиёд ибодатхона жойлашган.

Эраимиздан аввалги VII асрдан Хитойнинг шимолий чегараси бўйлаб бир қатор йирик муҳофаза иншоотлари барпо этила бошланган. Мамлакатни душман ҳужумидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган деворнинг узунлиги минглаб километрга чўзилиб, пировардига улар бирлаштирилган ва ҳозирги Буюк Хитой деворини ташкил этган.

Ажабланишлики шундаки, шу кунгача мутахассис олимлар томонидан деворнинг узунлиги 6 276,442 километр деб ҳисобланган бўлса-да, сўнгги маълумотларга кўра, унинг ҳақиқий узунлиги роппа-роса 8 851,392 километрни ташкил этади.

Бундан ташқари асрлар давомида мазкур девор турли номлар билан аталган. Дастлаб "Тўсиқ", "Мустаҳкам" деб номланган бўлса, кейинчалик "Қирмизи чегара", "Дунё аждаҳоси" деган антиқа номлар билан ҳам аталган. Фақат XIX асрнинг охирига келиб, у "Буюк Хитой девори" номига сазовор бўлган. Деворнинг йирик шахарлар атрофидаги қисмлари ҳозирги кунгача яши сақланган. Аммо шахар ташқарисидан иншоотлар вақт ва даврлар таъсирида секин-аста нураб бормоқда.

Бугунги кунда "Буюк Хитой девори" мамлакатдаги энг машҳур ва оммабоп иншоотлардан бири ҳисобланади. Ҳар йили бу ерга 10 миллиондан ортиқ саёҳатчилар ташриф буюришади.

Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРДИЕВ тайдирлади.

Maslahat

Йўл ҳаракати қоидалари



унга амал қилмаслик жавобгарликка сабаб бўлади

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддасида пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузишига оид жавобгарлик белгилаб қўйилган. Унга кўра, пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмининг белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, шунингдек, мопед ва велосипед ҳайдовчиларининг, уловли аравани бошқариб борувчи ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги — энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдоридан жазима солишга сабаб бўлади. Ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақса-

(Давоми. Бошланishi учинчи бетда)

Буларнинг барчаси кўнглимизда фахр-ифтихор туйғулари йўл-ғотади, янги-янги маршаларни забт этишга ундайди. Зеро, ўзини шу элнинг фарзандиман деб билган одам қайси соҳада, қайси вазифада фаолият юритмасин, ишга масъулият билан қараш лозим.

Афсуски, ҳаётда ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, қинғир ишларга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради. Яқинда суд судланувчи А.Ғафоровни (исм-шарифлар шартли) Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г" банди, 210-моддаси 2-қисми "в" банди, 209-моддаси 1-қисми ва 227-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топди. Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари тартибидан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил олти йил олти ойга озодликдан маҳрум қилиш, уч йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз олтинчи баравари миқдоридан жазима қўйилди.

Шунингдек, А.Ғафоровга тегишли "Лассети" русумли автомашина судланувчи томонидан тиббиёт бирлашмаси маъмуриятга етказилган 13 миллион 798 минг 400 сўм зарарини қоплашга қаратилади. Ҳўш, аслида А.Ғафоров ким ва у нега бундай қилмишга қўл урди? Айтиш керакки, А.Ғафоров 2011 йилнинг 3 августидан 2014 йилнинг 25

мартга қадар Нурота тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада мудир лавозимида фаолият юритган. У шунингдек, ушбу поликлиниканинг 0,5 штат

Jinoyatga jazo muqarrar

Мансаб масъулияти фидойилик ва ҳалолликни талаб этади

бирлигида врач-офтальмолог ва тиббиёт масъулари қошидаги ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш комиссияси раиси, тиббиёт бирлашмаси бошлигининг ички бўйруғи билан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бериш ва ногиронлик тайинлаш бўйича комиссия аъзоси ҳам бўлган.

Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил 11 июндаги қарори билан "Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлиликни текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низоом тасдиқланган. Ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш комиссияси раиси А.Ғафоров ана шу низоом талаблари билан яқиндан таниш бўлган.

Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, ҳайдовчилик гувоҳнома-си оладиган фуқаролар мазкур комиссиядан тиббий кўрикдан ўтиб, маълумотномага эга бўлиши талаб этилади. Бунинг

учин ҳар бир кўрикдан ўтувчи тиббиёт бирлашмаси пуллик хизмат бўлимига 35 минг 200 сўм тўлаши лозим. А.Ғафоров тўлов қозонини кўргандан сўнг талабгорга ҳайдовчиликни "лаё-

гирони Г.Пардаевадан амбулатор тиббий картасига оқулист кўригидан ўтганлиги, 2014 йилнинг 5 февралдан 15 февралга қадар реабилитация тарзида шифохонада даволангани

қатли" ёки "лаёқатсиз" деган хулоса бериши керак. Бундан ташқари тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича ҳисоботларни юритиш ҳам А.Ғафоров зиммасига юклатилган эди.

Бирок А.Ғафоров мансаб мавқеини суистеъмол қилади. Яъни фуқаролардан юқорида қайд этилган маблағни ўзи йиғиб олиб, шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборади. Оқибатда у 13 миллион 798 минг 400 сўм маблағни ўзлаштириш ва растарата қилиш йўли билан талон-торож этади.

Куч — АДОЛАТДА МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Шоюнус ГАЗИЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Кўчқор ТОҒАЕВ, Зарифжон МИРЗАКУЛОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ХАМРОЕВ, Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ, Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (8 371) 239-02-43, 239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz